

АДОЛАТ



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

№ 2-3 (809) 2011 йил, 14 январь, жума

Бугунги шароитда фақат пухта тайёргарликка эга бўлган, ҳар томонлама яхши таъминланган ва ижтимоий ҳимояланган Қуроли Кучларгина хавфсизлик ва барқарорликнинг, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигининг, пировард натижада эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигининг, осуда ҳаётимизнинг мустаҳкам ва ишончли кафолати бўла олади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуроли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва ўз ҳаётини она Ватанини ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб ишга бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қўллуғ сана — Ватан ҳимоячилари кўни ва Қуроли Кучларимиз ташкил этилганининг 19 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу йил халқимиз барчамиз учун энг улуг, энг азиз бўлган шонли сана — Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллик байрамини кенг нишонлайди.

Ана шу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида амалга оширилган, ўзининг кўлами ва моҳиятига кўра фоядали ва ноёб, том маънода тарихий ишларимиз натижасида бугунги кунда Ўзбекистон замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қўдир ўз миллий армиясига эга бўлди, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.

Юртимизда қабул қилинган Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни босқичма-босқич амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуроли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга ва минтақамизда юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театри талабларига жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штарб қурилиши тубдан ўзгарди. Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтани назардан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмаларнинг, кўп поғонали бошқарув тизимининг тугатилиши армиямиз қиёфасини бутунлай ўзгартирди. Қуроли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлиналарнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига раҳна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай тажовузор босқинчи зарба бериш қобилияти юқори даражада ошди.

Офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий талабларга жавоб берадиган самарали тизими яратилди. Бу тизим ҳарбий хизматчиларга ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятнинг тажриба ва малака-

сини эгаллаш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантларни тайёрлаш тизими тубдан ўзгармоқда. Ушбу билим юрларида бўлгуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш ишлари замонавий фикрлайдиган, ўз халқи, ўз Ватанига садоқатли офицер кадрларни шакллантиришни таъминлайдиган мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилганини таъкидлаш лозим.

Хозирги вақтда қўшинлардаги ҳарбий хизматчиларнинг ўқдан икки қисмдан кўпроги ўқув машғулотларини жанговар вазиятга мумкин қадар тўла яқинлаштирилган ҳолда олиб бориш имконини берадиган замонавий тренажёр мажмуалари, моделлаштириш ва симуляция воситалари билан жиҳозланган сержантлар тайёрлаш мактабларида тайёргарликдан ўтгани айниқса муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тизим ўқув материални янада сифатли ўзлаштириш, бирламчи бўлган командир кадрларнинг тайёргарлиги жараёнини ўзгартариш, сержантлар корпусини соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни ва ҳарбий интизомни шакллантириш таянчига — Қуроли Кучларимизнинг мустаҳкам ўзагига айлантириш имконини берди.

Қуроли Кучларнинг қисм ва бўлиналарини қурол-яроғ ва техниканинг замонавий турлари билан таъминлаш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилашни, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилиши, чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома бўйича хизмат қиладиган ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ўқув-жанговар ва тарбиявий ишлар тизимини принципал жиҳатдан ўзгартариш, ҳарбий бўлиналарда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, жамиятимизда ҳарбий хизматга бўлган ишонч ва ҳурмат туйғусини кучайтириш, бир сўз билан айтганда, армиямизнинг жанговар тайёргарлигини бутунлай оширишга олиб келмоқда.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ мақсадга қаратилган катта ишлар олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга замонавий тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳарбий хизматчилар ҳаётининг моддий-маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилаш имконини бермоқда. Фақат кейинги беш йилда ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаниб қолганларнинг ёрдам пули санкиз мартадан кўпроқ оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари, жумладан, олий ўқув юрларига киришда уларга давлат томони-

дан имтиёзлар белгилаб қўйилгани, ишга жойлашишда амалий ёрдам кўрсатилаётгани мамлакатимиз Қуроли Кучларидаги ҳарбий хизматнинг нуфузи ва обрўсининг янада юксалишида муҳим омил бўлмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида ҳарбий ва мудофаа қурилиши, Қуроли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз сарҳадларининг мудофааси ва ҳимояси, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишталигини таъминлаш ишончли қўлларда, деб тўлиқ асос билан айта оламиз.

Қадрли дўстлар!

Бизнинг энг муҳим вазифамиз — ҳар жиҳатдан замонавий, ҳаракатчан, яхши қуролланган, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган армияни шакллантириш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш, унинг тизимли ва комплекс модернизация қилинишини таъминлашдан, қисқача айтганда, халқимиз муносиби ва ҳақли равишда фахрлана оладиган Қуроли Кучларни яраттидан иборатдир.

Афғонистондаги вазиятнинг тобора мураккаблашиб бораётгани, наркотрафик, халқаро терроризм, экстремизм кенг тус олаётгани, бизга чегарадош баъзи мамлакатларда юзага келган беқарорлик, шунингдек, минтақамизда бошқа таҳдид ва хавф-хатарларнинг сақланиб қолаётгани биздан Қуроли Кучларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ва жанговар қобилиятини муттаасил ошириш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш борасидаги чораларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Буларнинг барчаси биздан доимо хушёр ва огоҳ бўлиш, яқин атрофимизда иғво кўзга тикилиш ва қарама-қаршилик ўчоқларини келтириб чиқаришга қаратилган ҳар қандай уринишларни бартараф этишга тайёр туришни талаб қилади.

Шу муносабат билан қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи. Минтақамиздаги замонавий таҳдидлар ва хавфсизликка қарши қаратилган хатарларни тизимли ва чуқур таҳлил қилиб бориш, уларнинг ўрта ва узоқ келажақда олиб келиши мумкин бўлган оқибатларини инобатга олган ҳолда, юз бериш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини кузатиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб боришимиз зарур.

Аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган бир қолипдаги ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига раҳна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга қарши Қуроли Кучларимизнинг муносиб ва самарали зарба бериш имконияти ва тайёргарлигини танқидий баҳолаб боришимиз даркор.

Давони 2-бетда >>



Элу юртимиз тинчлиги ва хавфсизлигининг мустаҳкам қалқони

Олим Тўрақулов,
ЎЗА муҳбири

Озод ва обод Ватанимиздаги бугунги тинч ва осуда ҳаёт, ҳамжиҳатлик ва фаровонлик бебаҳо бойлигимиздир. Халқимиз азалдан тинчлик ва осойишталикни Ватан, она, озодлик каби муқаддас тушунчалар қаторида улуғлаб, эъзозлаб келди. Ватан озодлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги ҳимоячилари эса мудом ҳурмат-эътиборда.

Шу кунларда мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кўни ҳамда Қуроли Кучларимизнинг 19 йиллиги кенг нишонланмоқда. Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 13 январь кўни ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуроли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Қуроли Кучларининг 19 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз Қуроли Кучларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб қўйилган, Қуроли Кучларимиз Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш

учун ташкил этилгани таъкидланган. «Мудофаа тўғрисида»-ги ва «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»-ги қонунлар Қуроли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида муҳасам этган.

Истиклол йилларида юртимизда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, Ватанимиз таъминлиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишдан қўзғалган асосий мақсад унинг мудофаа қобилиятини ошириш, мустақил тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга қўдир Қуроли Кучларни барпо этишдан иборатдир. Бу борадаги дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлими ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бириштириш Қуроли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сержантлар тайёрлаш

мактаблари ташкил этилди, бу мактабларда юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори ҳарбийлар тарбияланмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта, танлов асосида ташкил этилаётгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартирди.

Ҳарбий хизматчиларнинг хизматни ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий-маиший шароитларини изчил яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, ҳарбийларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини бермоқда.

Қуроли Кучлар сафида хизмат қилишнинг нуфузи ортиб, бу йилгиларимиз учун эзгу орзуга айланди. Ҳарбий хизмат ёшларимизни жисмонан ва маънавий рағбатлантириш билан бирга, улар қалби ва онгида ватанпарварлик, фидойилик, Ватани ва халқига садоқат каби фазилатларини мустаҳкамламоқда.

Президентимиз фармонида мувофиқ Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар

вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йилгида уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуроли Кучларида аънава тусини олган уч босқичли танловга асосан, 2010 йилдаги энг илгор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командирлари ва энг илгор сержантлар аниқланди. Мазкур танлов ғолибларига диплом ва қимматбахор совғалар топширилди. Энг илгор сержантлар тайёрлаш мактаби, мудофаа ишлари бошқармаси, олий ҳарбий билим юрти, ҳарбий қисм ҳам мукофотланди.

Йилгида сўзга чиққан капитан Обиджон Тўраев, кичик сержант Баҳром Арслонов, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқов байрам катнашчиларини миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кўни билан табриқлаб, Президентимиз, Қуроли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримовга ҳарбий хизматчиларга кўрсатилган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Қуроли Кучларининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда катта байрам концерти намойиш этилди.

Йилгида ҳам маънавий жасорат қўриқчилари Мангубердиннинг жанговар руҳида, юртимизни истилоқчилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темури бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани, шубҳасиз», деб таъкидлайди.

«Урганчи босқинчилардан ҳимоя қилишда байроқ тутиб жон берган Нажмидин Кубронинг қаҳрамонлигида, дунёни тўфондек босган Чингизхон қўшинига қарши ўн бир йил муттасил мардона кураш олиб борган Жалолдин Мангубердиннинг жанговар руҳида, юртимизни истилоқчилардан озод қилиб, буюк давлат барпо этган Амир Темури бобомизнинг бунёдкорлик салоҳиятида ҳам маънавий жасорат туйғуси буюк ва устувор аҳамият касб этгани, шубҳасиз», деб таъкидлайди.

Давони 4-бетда >>

Ватанни асраш муқаддас инсоний бурчимиздир

Муносабат

Қодир Жўраев,
Қонунчилик палатаси
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси раиси,
«Адолат» СДП фракцияси
аъзоси.

Ватан — ота-боболаримизнинг муборак хоклари ётган табаррук замин. У бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўти қилиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиз, бу дунёда ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган буюк ва бебаҳо ҳазинамиздир. Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, гурур ва ифтихоримиз, иймон-этиқодимиз мустаҳкам ва барқарор.

Биз, киндик қони шу тупроққа томган юрт фарзандлари, ўзимизни Ватандан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси шундай азиз ва улуг неъматки, ҳаёт йўлида, оғир ва машаққатли синновларда бизга ҳамиша куч-қувват бахш этиб, мардлик ва жасоратга давват этади.

Инсон маънавий оламнинг кучи, қудрати унинг Ватан олдидаги бурчи, масъулиятини қандай англаб тушунишда намоён бўлади. Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарига маънавий жасорат туйғусига алоҳида тўхта-

Ватанни асраш муқаддас инсоний бурчимиздир

« Давом. Бош 1-бетда

Дарҳақиқат, Ватан тарихини, авваламбор, шижоат, жасорат, маърифату адолат, элу юртга садоқат беэаб туради. Ҳаёти давомда ана шундай фазилатларнинг энг юксак намуналарини бизга ибрат сифатида қолдирган аجدодларимиз жуда кўп ва уларнинг хотираси мангуликка дахлдор.

Юртимизда Янги йил байрами шодиёналари давом этаётган шу кунларда яна бир кадрли сана — 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини байрам сифатида нишонлар эканмиз, бу воқеанинг тарихий илдишларини яна бир бор эслаш ўринлидир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Куролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш ҳамда миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Уларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаа қудратининг янада мустаҳкамлашига хизмат қилмоқда.

Хар қандай давлатнинг мустақиллигини, биринчи навбатда, унинг ўз армияси, Куролли Кучлари ҳимоя қилиши керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Ўз истиқлоли ва озодлигининг қадрини билмайдиган, уни ҳимоя қилолмайдиган, бунга кучқурб етмайдиган миллат ҳеч қачон эркин ашай олмайди, кимгадир итоат этишга, бўйин эгишга мажбур бўлади». Шу боис истиқлолимизнинг дастлабки кунларида — 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь кунини эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим қадам қўйилди. Шу кун мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Куролли Кучларнинг мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, халқимизнинг тинчлиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, ёш аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини инобатга олиб ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг давлатимиз тасарруфига ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган қонунига биноан 14 январь Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари кунини деб эълон қилинди.

Утган йиллар мобайнида юртимизда давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган Куролли Кучларни барпо этиш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил демократик тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг қўламли ва моҳиятан улкан ишлар амалга оширилди.

Аввало, ҳарбий соҳа ислохотлари билан боғлиқ стратегик мақсадларга эришишнинг муҳим ҳуқуқий пойдевори бунёд этилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи» эканлиги алоҳида белгилаб қўйилди. Асосий қомусимизда, шунингдек, Ўзбекистон Куролли Кучларининг ҳуқуқий мақоми ҳам аниқ белгилаб берилган бўлиб, унга кўра Куролли Кучлар Ўзбекистон суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, республикамиз аҳолисининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилиши кайд этилди. Шунингдек, «Мудофаа тўғрисида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунлар Куролли Кучларимиз ташкилий асосларини ўзида муҳассам этди.

Юртбошимиз ташаббуси билан Куролли Кучларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ амалга оширилган кенг қўламли ишлар барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армиямизни шакллантириш ва бошқаришнинг сифат жиҳатдан муқаддас инсоний бурчимизнинг энг илғор тажрибаларини ўзида ичда ҳарбий округлар, чегара



ҳудудлари ва махсус операцияларга ихтисослаштирилган қисмлар тузилди. Миллий армиямизни босқичма-босқич ва тизимли равишда шакллантиришда, аввало, хавфсизлигимизга қарши қаратилган жиддий таҳдид ва хатарлар, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркогрессия, оммавий қирқин куролларнинг тарқалиши каби бало-қазолар ҳисобга олинди.

Дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлими ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бирлаштирган Куролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта қўриб чиқилди.

Куролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципитал жиҳатдан муқаддас инсоний бурчимизнинг таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқаруви ва тузилмаларнинг бир-бирини тақрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу эса, ўз навбатида, мазкур бошқаруви ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Мамлакатимиз ҳудудида сукулиб қирадиган ҳар қандай тажовузор босқинчига қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оши-

раётган миллий жанговар аъёнларимизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда.

Олий ҳарбий билим юртлирида кадрлар тайёрлаш тизими изчил такомиллаштирилмоқда. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий кўмондонлик билим юртлири кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Марказий Осиёдаги дастлабки Куролли Кучлар академияси ташкил этилди. Ахборот технологиялари ва моделлаштириш услубларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилди. Таъкидлашчилик кўникмаларига эга, билимдон, мустақил ҳаракат қиладиган ва ҳар қандай шароитда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир юқори малакали офицер-мутахассисларни тайёрлашга қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар

хавф-хатарларнинг кучайиб, наркогрессия, халқро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқдоси кенгайиб бораётгани Куролли Кучларимизнинг жанговар тайёрлашнинг ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларимизни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, миллий армиямизни ислоҳ қилиш борасида олдимизда ҳали бир қатор вазифалар турибди. Мамлакатимиз Президенти, Куролли Кучларимиз Олий Бош Кўмондонини миллий мудофаа тизимига қўлга киритилган натижалар билан бирга, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Ушбу кўрсаткичларни амалга ошириш, чегараларимиз дахлсизлиги ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун ҳар йили кўплаб ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Ислохотларнинг энг муҳим амалий натижасини армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳит-

нинг бутунлай соғломлашганида, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашуви ҳамда қарашлар тамомила ўзгарганида ҳам қўриш мумкин. Ҳарбий хизматдан мустаҳкам қайтиб келган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи бўлиши — Куролли Кучларимизнинг нафис ва шижоатли тарихи бўлиши керак.

Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, биринчи навбатда, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тутилаётган


ҳарбий соҳани модернизация қилиш ишларини жадаллик билан давом эттириш; Куролли Кучларимизнинг қисм ва бўлинмаларини энг янги қурол-яроғ ва жанговар техника билан қайта жиҳозлаш, замонавий воситалар билан таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш; ҳарбий бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мудофаа тизимининг барча таркибий қисмлари ўзаро узвий боғланган ягона жанговар комплекс сифатида тўлақонли фаолият юритишига эришиш; ҳарбий билим юртлири ва сержантлар мактаблари фаолиятини замон талаблари ва стандартларини эътиборга олган ҳолда тубдан яхшилаш; ёш офицерлар, сержантлар ва аскарлар ўртасида тарбиявий ишлар тизимини такомиллаштириш каби тадбирлар асосий вазифалар сифатида кайд этилди.

Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, республикамиздаги тегишли вазирлик ва идоралар ўзаро ҳамкорликда ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли ишларни амалга оширмоқдалар. Бу борадаги ислохотлар бундан буён ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Юртимизда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш, байрам қилиш қўлугу аъёнага айланди. Президентимиз «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида таъкидлаганидек, миллий армиямизни барпо этиш жараёни Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиш тарихи билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, 14 январь санасини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, умумхалқ байрами сифатида қабул қилишимиз, уни энг улғу, энг азиз айёмлардан бири сифатида юксак даражада нишонлаётганимиз беҳиз эмас.

Мамлакатимизнинг барча жойларида катта тантана билан нишонланадиган байрам тадбирлари ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол юғларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, миллий армиямиз сафарларида хизмат қилиш иштиғини янада кучайтиради.

Бу ёруғ оламда ягона ва тенгсиз бўлган она юртимиз — Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш бизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.



радиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинмалари ва бошқа замонавий жанговар бўлинмалар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муқаддас ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада жуда катта аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. У миллий армиямизнинг тайёрлашнинг ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат саналади. Мазкур Фармонга мувофиқ, эндиликда муқаддас ҳарбий хизматга қабул қилинган бир марта — февраль-март ойларида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида муҳассам этган бўлиб, айни

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан 2010 йилнинг 15 декабридан 2011 йилнинг 15 январига республика ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлари» тадбири ўтказилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамкорлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Йўл қоидаси — умр фойдаси

Анжуман

Илҳос САХАТОВ,
«Adolat» мухбири

Анжуманда таъкидлаганидек, ойлик давомда (20 кунлик маълумот) Тошкент шаҳри миқсидида 60 мингдан ортиқ ҳар хил турдаги қоидабузарликлар аниқланган. Хусусан, 15 мингдан ортиқ кўпол турдаги қоидабузарлик, 108 та транспорт воситалари ойналари тусини ўзгартириш ва қорайтириш, 31 та давлат рақами белгисиз автоуловни бошқариш бўйича, 5210 та белгиланган тезликни ошириш каби, ноҳушликлар аниқланиб, ҳайдовчиларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Фармойиш талаблари асосида ойлик бошданок мутасадди идораларга баҳарлиши лозим бўлган аниқ вазифалар ва мажбуриятлар юклатилди, — деди Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқа қилиш бўлими бошлиғи Зоир Саидалиев. — Уларнинг ижроси кундалик таҳлил қилиниб, доимий равишда муҳокама қилиниб бориляпти.

Камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг вақтида баҳарлиши ва тадбирларни ушшоқлик билан ўтказиш учун тегишли идораларга, хусусан, «Тошхарттрансхизмат» уюшмаси, «Тошавтотранс» компанияси, йўловчи ташуш фаолияти билан шугулланувчи МЧЖ, автотранспорт воситаларига эга корхона, таъкилот ва му-



ассасаларга тегишли кўрсатмалар берилиб борилади.

Ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув мутасаддиларида таълим олаётган бўлажак ҳайдовчилар билан йўл ҳаракати хавфсизлиги талаблари юзасидан мунтазам қўшимча машғулотлар ўтказилляпти. Аҳоли гавжум жойларда, ташкилотлар, кўча ва чорраҳалар-

да, шунингдек, жамоат транспорт воситаларида ҳаракат хавфсизлигини тарғиб этувчи реклама, панно ва роликлар жойлаштирилди. Шаҳар бўйлаб 183 та янги йўл белгилари ўрнатилиб, 77 та йўл белгилари янгисига алмаштирилди.

Инсон манфаатларини муҳофаза қилиш мамлакатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бирдир, — деди анжуманда сўз олган Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Азиз Эрназаров. — Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини мунтазам такомиллаштириш сингари амалий ишлар ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда. Лекин афсуски, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг айрим ҳолларда йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатда турли даражадаги йўл транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда. Бу эса аҳоли ва кенг жамоатчилик орасида йўл ҳаракати ижроси кундалик таҳлил қилиниб, доимий равишда муҳокама қилиниб бориляпти.

Тадбир давомида кўпгина ҳайдовчилар йўл белгиларига риоя қилмаётганликлари, пиёдалар кўнанинг тўғри келган жойларидан кесиб ўтаётганликлари, жамоат транспортлари ҳайдовчилари томонидан йўл қўйлаётган хато ва камчиликлар, шунингдек, бошқа масалалар ҳамда уларнинг ечимлари юзасида журналистлар томонидан берилган саволларга мутахассислар атроф-

2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

Хушxabарлар оқими

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ҳўжайлида томёкш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона иш бошлади.

Корхона тумандаги тадбиркор Ш.Полвонова ташаббуси билан қад ростлади. У бунинг учун «Миллий банк»нинг туман бўлимида 50 миллион сўм миқдорда кредит олди ва қисқа фурсат ичда бюортмачиларга дастлабки 10 миллион сўмлик махсулот узатишга муваффақ бўлди.

АНДИЖОН. Сутни қайта ишлашга йўналтирилган «Янги Шарк» замин» хусусий корхонасининг ҳаракатта келиши кўргонтепалликлар қувончига қувонч қўшди.

Тадбиркор Ифтихор Жўраевнинг Халқ банкнинг туман бўлимида олган 100 миллион сўмлик кредити мазкур мўъжазгина корхонани бунёд топишига асос бўлди. Янги йилнинг биринчи ўн кунлигидаги 50 миллион сўмлик махсулот тайёрлашига улғурилди ҳам.

ХОРАЗМ. Тадбиркор Қоюмбой Матсафоев Гурландида Саҳтиён қишлоғида ташкил этган «Барҳаёт Турсунбой» мебель ишлаб чиқариш хусусий корхонаси ойнага 15 миллион сўмликдан зиёд махсулот тайёрлашга эришляпти.

Жами 10 турдаги сифатли жиҳозлар харидорлар эътиборига тушиб, бюортмачилар сонин кун сайин ортиб бормоқда. Тадбиркор яқинда банкдан 32 миллион сўмлик кредит олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва хориздан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатиш саъй-ҳаракатини бошлаб юборди.

САМАРҚАНД. Ургутда яқиндагина ишга тушган қиймати 50 минг АҚШ долларига тенг сармога кўмағида «Ургут Баржуш суви» хусусий корхонаси йилга саккиз турда 300 минг донагача яхна ичимликлар тайёрлаш қувватига эга бўлди.

Хозир бу ерда қувватларнинг иккинчи линиясини ҳам ишга тушириш ишлари жадал бормоқда. Бу — келгусида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми икки баробар ошиб, ўнлаб янги иш ўринлари ҳам вужудга келадиган, деганидир.

Ижтимоий ҳаёт

Нуқсоннинг катта-кичиги бўлмайди

муҳими, у жиддий тус олмасин

Транспорт хизматидан мамнунмисиз!
М. АҲМЕДОВ

Ортимизга бундан йигирма йил аввал келган ва бугун яна меҳмонимиз бўлиб турган хорижлик сайёҳ жуда кўп нарсаларга, жумладан, биз учун оддий воқеа бўлиб туюладиган ҳолатларга ҳам эътибор беради. Бирор жойга борсак, биз ҳам шундай қиламиз. Авваллари қандай эди, бугун қандай, фалон муаммо бу ерда қандай ҳал бўлди экан, деб қийслаймиз. Яхши амалларини ўрганамиз, ҳавас қиламиз. Кўнглимизда янги орзу-ниятлар пайдо бўлади. «Меҳмоннинг кўзи ўткир бўлади», деган гапнинг маъноси ҳам шу.

Ўтган йиллар ичида мамлакатимиз қиёфаси наинки хорижликлар, ўзимиз учун ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Мамлакат янги мақомада қад ростлади, шаҳарсолик маданияти ривож топди, қурувчилик маҳоратимиз осиди, миллий архитектурага хос ноёб анъаналар қайта тикланди, қишлоқларимиз чиройига чирой қўшилди, маҳалла гузарларига файз кирди, десак муболага бўлмайди.

Бу ўзгаришларни дид билан, ихлос билан ўзимиз амалга оширдик, четдан келиб биров қуриб бергани йўқ, албатта. Ўзимиз қурдик, ўзимиз яратдик, дунёни хайратга солиб турган маҳоратли бинолар, мураккаб ишоотлар тарихини ўзимиз қиздик. Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий нуфузини белгилайдиган йўл ва кўприкларни, темир йўлларни, тоғости ўтиш жойларини, айланма ҳалқаларни ўзимиз, шўро замонидан «майда савдогарликдан бошқа иш қилидан келмайди» деб таҳқирланган халқнинг янги шароитда, янги имкониятлар қаноатида вояга етган ўғил-қизлари қурдик. Буни тўқсонинчи йиллар бошида истиқлолимизнинг яшаб кетишига шубҳа билан қараганлар ҳам бугун эътироф этишмоқда.

Халқимиз ҳаётида юз бераётган оламшумул ўзгаришлардан хорижлик меҳмонлардан кўра кўпроқ ўзимиз ифтихор қилмоқдамиз. Негаки, улардан ўзимиз, фарзандларимиз баҳраманд бўлмоқда. Бу дунёда ота-она учун фарзандлар роҳатини кўриб яшадан ҳам ортик бахт бўлмаса керак. Зеро, миллий истиқлол госянинг асосий тушунча ва тамойилларида белгилаб қўйилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ишоотларнинг олий мақсади — халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиликни, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида шу эзгу мақсадни кўриш мумкин.

Биз бу юксак даражага йигирма йил ичида эришдик. Бу — нари борса бир йилнинг умри. Холбуки, собиқ тузум шароитида неча-неча авлодларга қуриш, яратиш, тадбиркорлик, ишбилармонлик билан шуғулланиш имконияти берилмади. Оддийгина тўрт қаватли бетон уй ёки умумий ётоқxonани қаерга ва қандай тиклашни, томини қандай ёпишни юқори раҳбар ташкилотлар белгилаб, ранги-бўёғига тасдиқлаб беришди. Давлатимиз раҳбарининг «Биздан келажак авлодларга Озод ва Обод Ватан қолсин!», деган улуг шioriда, истиқлол шарофати билан халқимизнинг рўёбга чиқмаган шу орзуларини амалга ошириш нияти муҳасам эди. Не бахтки, бунга мушарраф бўлдик.

миз керак. Бинобарин, уларни ўз мулкимиздай асрашимиз зарур, токи бу воситалар узоқ йиллар халқимизга, ўқишга, ишга, спорт майдончасига, санъат даргоҳига ошқайётган ўғил-қизларимизга, набираларимизга хизмат қилсин.

Бу ниятга ҳеч ким эътироз билдирмайди, албатта. Аммо ҳали охори кетмаган автобусларга, вагонларнинг ойналари ва ўриндиқларига қасддан етказилаётган зарарни кўриб, бекатлардаги асаббазарликларга гувоҳ бўлиб, беҳаё ёзувларга кўзингиз тушиб, дилинг хира тортиб кетади. Ривожланган фарб мамлакатларида ҳаракатдаги транспорт воситасига қасддан зарар етказган киши аяб ўтирилмайди, жиноий жавобгарликка тортилади. Оғир жазо олади.

Транспорт парки янгилади, йўллар равланлашди, йўналишлар кўпайди, ўриндиқлар қишда иситиладиган ҳам бўлди, аммо «йўл маданияти», «ҳайдовчи маданияти», «йўловчи маданияти» деган муҳим тушунчалар деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Европалик бир олим мамлакатимизда бундан анча йил муқаддам юртимизда меҳмон бўлиб, юртига қайтиб борган, «Тошкентда ёшлар автобусда, метро вагонларида, бекатларда катталарга жой беришар экан, кексаларни қўлтиқлаб, кўчанинг нариги бетига ўтказиб қўйишар экан, бизда урф бўлмаган бу яхши одатни Ўзбекистонда ҳар кун, ҳар соатда кўриш мумкин», деб мақола ёзди. Лекин у пойтахтимиш бикинидаги «Ипподром»

...ҳали охори кетмаган автобусларга, вагонларнинг ойналари ва ўриндиқларига қасддан етказилаётган зарарни кўриб, бекатлардаги асаббазарликларга гувоҳ бўлиб, беҳаё ёзувларга кўзингиз тушиб, дилинг хира тортиб кетади. Ривожланган хориж мамлакатларида ҳаракатдаги транспорт воситасига қасддан зарар етказган киши аяб ўтирилмайди, жиноий жавобгарликка тортилади. Оғир жазо олади.

ахтариб келади. Чор-атрофга ҳасад кўзи билан қарайди. Шингил-шингил мева тугиб ётган боғроғларга эмас, сувсаган, парварил қилинмаган битта-яримта кўчатга кўпроқ қарайди.

Шарти кетиб, парти қолган бундай автобусларга қўшимча ясама ўриндиқлар ўрнатиб, ортикча йўловчи, коп-қоп юк олиш, ўтиш йўлларини тўсиб қўйиш, ўзлари белгиланган йўл ҳақини келиши олмай тортиши, маданиятсизликда йўловчининг ҳайдовчидан, ҳайдовчининг йўловчидан қолишмаслиги асаббазарлиги бузади. Шу йўналишда узоқ йиллардан бери қатнаб, то ҳануз бирорта ҳайдовчининг йўловчиларга (улар орасида хорижлик сайёҳлар, кўшни мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам бўлиши мумкин) Катта ўзбек тракти, бу йўлнинг тарихи, олис ўтмишга қахдорлиги ҳақида, Жиззах яқинидаги Амир Темур дарвоҳаси, Самарқандга кираверишдаги қадим тепаликларда бўлган жанглар, Жом қишлоғи, сардобалар, ноёб архитектура ёдгорликлари тўғрисида ёхуд

бозоридан Термиз ёки Нукусга, Қарши ёки Бухорога қатнаётган тирбанд хусусий автобусларга қиқиб қолганида, бошқа «хайрат-ларга ҳам гувоҳ бўларди.

Шарти кетиб, парти қолган бундай автобусларга қўшимча ясама ўриндиқлар ўрнатиб, ортикча йўловчи, коп-қоп юк олиш, ўтиш йўлларини тўсиб қўйиш, ўзлари белгиланган йўл ҳақини келиши олмай тортиши, маданиятсизликда йўловчининг ҳайдовчидан, ҳайдовчининг йўловчидан қолишмаслиги асаббазарлиги бузади. Шу йўналишда узоқ йиллардан бери қатнаб, то ҳануз бирорта ҳайдовчининг йўловчиларга (улар орасида хорижлик сайёҳлар, кўшни мамлакатлардан келган меҳмонлар ҳам бўлиши мумкин) Катта ўзбек тракти, бу йўлнинг тарихи, олис ўтмишга қахдорлиги ҳақида, Жиззах яқинидаги Амир Темур дарвоҳаси, Самарқандга кираверишдаги қадим тепаликларда бўлган жанглар, Жом қишлоғи, сардобалар, ноёб архитектура ёдгорликлари тўғрисида ёхуд

муқтақиллик йилларида бу йўллар атрофида қад ростлаган иморатлар, ишга туширилган ишоотлар, янги уй-жойлар, ўқув муассасаларига доир бирор бир маълумот беришганини эслай олмайман. Бундай қилиш ҳайдовчининг хизмат вазифасига кирмайди, албатта. Аммо иккинчи ҳайдовчи узоқ йўл ҳоритган йўловчиларга шундай хизмат кўрсатса, қизиқарли маълумотлар билан кўнглиларини чоч қилса, бу ҳар жиҳатдан ибрат бўларли иш эмасми?! Жаҳоннинг кўплай мамлакатларида йўловчиларни «зериқтирмаслик» йўловчи ташувчи компанияларнинг муҳим тарғибот иши ҳисобланади. Бизда эса, таассуфки, метрони истисно қилганда, ҳайдовчилар навбатдаги бекатнинг номини айтишни ҳам ўзларига эп қўришмайди.

Фақат шугина эмас, пойтахтимизнинг ҳамма гавжум «Буюк ипак йўли» бекатидан Чирчиқ, Қиррайд, Фазалкент йўналишларида қатнайидиган маршрутли автобусларнинг кўпида йўловчи ташиш қоидаларига деярли амал қилинмайди. Салонга қўшимча темир ўриндиқлар қавшарланган бўлиб, орқа ўриндиқда ўтирган йўловчи борди-ю тушмоқчи бўлса, олдинда ўтирган киши эшикни очиб, пастга тушиб туриши керак. Ўриндиқлар шу қадар яқин жойлаштирилганки, савлатлироқ йўловчининг бемалол ўтириши анча қийин. Бунинг устига, кўча тасодифларга тўла, ахир... Бир кор-хол юз берса, нима бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Шу бекатдан шаҳар ташқарисига қатнайидиган 509-, 101-автобусларга кундузи соат беш-олтилардан бошлаб чиқиш анча мураккаб. Ҳайдовчиларнинг ёрдамчилари оловчи борича кўпроқ йўловчи олишга ҳаракат қилишади. Ичкарисида оёқ қўйишга жой қолмайди. Асаббазарлик бошлади. Ҳар бир йўловчи кўларига фалон пул бўлиб қўриётган ҳайдовчилар эса бунга мутлақо эътибор қилишмайди. Бекатда бир-бирларининг йўлларини тўсиб, жой таллашади. Салон ичи тўлиб-тошиб кетмагунча ўринларидан кўзголишмайди. Йўлга тушгач эса, яна кимнидир биландириш учун бир-бирлари билан асабий қувлашмақоч ўйнашади, йўл қодалари бузилади.

Кейинги йилларда пойтахт кўчаларида трамвай қатнови анча озаиди. Улар ўрнини барча қўлайликларга эга замонавий автобуслар эгаллади. Бу яхши, албатта. Аммо ҳозирча қатнаб турган 8-, 13-, 25-, 27-трамвайларнинг тез-тез бузилиши, бир-бирларини судраб, тарақа-туруқ қилиб, бекатларда тўхтамай паррка қайтиши йўловчиларни ҳақли равишда ранжитмоқда. Носоз трамвайларни йўналишга чиқаришдан не муддао қўзланганини билиб бўлмайди. Биргина 27-трамвайни бекатда ярим соатлаб қуттиш керак. 25-трамвайнинг аҳоли ҳам бундан яхши эмас. Буни наҳотки мутасаддилар билшимаса?

Иш бор жойда хато-камчиликлар ҳам бўлади, албатта. Аммо вақтида эътибор қилинмаган кичик нуқсонлар бора-бора катта, жиддий нуқсонларга айланишни ва улар мамлакат миқёсидаги улкан ўзгаришларга маълум маънода соя солишини унутмаслик керак.



Мамлакатимизда банк-молия тизимини такомиллаштириш бора-сида кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Юртимизда молия муассасалари маблағлари эвазига фойдаланишга топширилган ишлаб чиқариш қувватларининг янги маҳсулотлари ички бозоримизни тўлдирмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган «2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар Дастури»га кўра, ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банк» томонидан фаолияти экспортга йўналтирилган ва иқтисоднинг асосий секторларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бора-сида қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада Миллий банкнинг Самарқанд вилоят бўлими томонидан ушбу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаётган.

Инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш устувор вазифа

Молия муассасаларида

Миллий банк матбуот хизмати



2010 йилнинг 1 декабрь ҳолатига ТИФ Миллий банки Самарқанд вилоят бўлимининг жами кредит қўйилмалари 47 миллиард сўмини, жумладан, узоқ муддатли кредитлар 36,5 миллиард, қисқа муддатли кредитлар миқдори эса 10,5 миллиард сўмини ташкил этди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, кредитларнинг асосий қисми саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш каби соҳаларга йўналтирилди.

Банк бўлимлари ва унинг жойлардаги филиалларининг қатор халқаро ташкилотлар, жамғармалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши натижасида ишлаб чиқаришга хориж сармояларининг жалб этилиши катта самара бераётти. Бу борада Хитой давлат Тараққиёт банки билан яқин алоқа ўрнатилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимизда олиб борилаётган **Инвестицион Дастур** ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида маъруз банкнинг хорижий кредит линиялари асосида 4,4 миллион АҚШ доллари қийматдаги 12 та лойиҳани амалга ошириш мақсадида зарурий ишлар олиб борилди. Хозирча шу мақсаддаги 10 та лойиҳа бўйича 4,2 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестицион кредитлар жалб этилди.

Масалан, Нуробод туманида жойлашган «Shams-Mig» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасида пишк гишт ишлаб чиқариши йўлга қўйиш мақсадида қорхонага хориждан гишт ишлаб чиқариш ускунаси ва ёрдамчи техникалар сотиб олиш учун Хитой Давлат Тараққиёт банки кредит линияси орқали 212,5 минг АҚШ доллари миқдорда кредит ажратилди. 37 кишини иш билан таъминлаган бу қорхона йилга 6 миллиард донга гишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Қорхонада кунига 15 минг донгача гишт тайёрланмоқда. Маҳсулотнинг харидорлари кўпаймоқда.

Хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредитлашнинг яна бир йўналиши — озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни молиялаштиришга қаратилган. Самарқанд шаҳрида жойлашган «Гала Осие» қорхонасида асосан нон ва конининг хорижий кредит линиялари асосида 4,4 миллион АҚШ доллари қийматдаги 12 та лойиҳани амалга ошириш мақсадида зарурий ишлар олиб борилди. Хозирча шу мақсаддаги 10 та лойиҳа бўйича 4,2 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестицион кредитлар жалб этилди.

Миллий банкнинг Самарқанд бўлими паррандачилик билан шуғулланаётган қорхоналарни қўллаб-қувватлаш ишларини ҳам олиб бормоқда. Шу мақсадда, Самарқанд шаҳрида ташкил этилган «Парранда омухта ем» масъулияти чекланган жамиятига 400 миллион сўм миқдорда узоқ муддатли кредит берди. Ушбу кредит ҳисобидан Бирлашган Араб Амирликларидан замонавий ускуналар сотиб олинди. Банк мақсадли сармоялари қорхонада 30 та янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилди.

Юқорида келтирилган рақамлару мисолларда ифода этилганидек, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Самарқанд вилоят бўлими ва унинг филиалларида бугунги кун талаблари даражасида фаолият олиб борилмоқда. Бу ерда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик доимий қўллаб-қувватланапти. Бу эса аҳоли турмуш тарзи яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Алкоголнинг ичимликлар чакана савдоси қатъий назоратда

Қарор ва ижро

Миржамол АЗИЗОВ, Ҳамза тумани ДСИ ходими.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, истеъмол бозорига сифатсиз, сертификатланмаган алкоголь маҳсулотлар қилиб келиши ва сотилишига йўл қўймаслик, савдо ташкилотлари томонидан алкаголли маҳсулотларни чакана сотишнинг белгиланган талабларига сўзсиз риоя қилиниши кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2007 йил 16 март) қарори юзасидан пойтахтимиздаги Ҳамза туманида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Таси савдо дўконлари, 98 таси умумий овқатланиш шохобчаларидир. 2010 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра уларда 10 марта қисқа муддатли текширувлар ўтказилди ва аниқланган камчиликларнинг вақтида бартараф этилиши чоралари кўрилди. Жумладан, С.Машҳадий кўчаси, 66-уйда жойлашган «Влад эксклюзив» МЧЖга қарашли дўконда сотувчи Т.Сафронова харидорга 6500 сўмлик маҳсулот сотиб, НКМдан чек уриб бермаган ва 9600 сўм НКМ хотирасига киритилмагани аниқланди. Шунингдек, текширув жараёнида кириб маҳсулот сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган 4 турдаги 57 шашадан иборат (умумий баҳоси 328 минг 500 сўмлик) акциз маркалари елимланган алкоголь маҳсулотлари мавжудлиги маълум бўлди. Натийжада бу ҳолатларга кўра қорхонага 9004,5 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилди.

Яна бир ҳолат: Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган «Нобел савдо» МЧЖга қарашли ошоннада қассачи харидорга 23300 сўмга НКМдан чек уриб бермаган ва текширув вақтида 25200 сўм маблағ НКМ хотирасига киритилмагани ҳамда пул банкга топширилмай ошонна ишчиларига ойлик маош тариқасида тарқатилгани фош этилди. Боз устига текширув чоғида яроқлилик муддати ўтган бир турдаги 4 шиша (умумий баҳоси 26000 сўмлик) спиртли ичимликлар борлиги аниқланиб, қорхонага нисбатан 20566,2 минг сўм миқдорда молиявий жарима қўлланилди. Айтиш керакки, жойларда кириб ҳужжати бўлмаган алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилишда 3 ҳолат ҳам аниқланиб, солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тегишли чоралар кўрилди.

Қисқаси, туман ҳудудида алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилишчи қорхоналар фаолияти солиқчилар томонидан қатъий назоратга олинди, чакана савдо қилиш қодалари ижросига тўла амал қилиниши таъминланмоқда.



Табрик

Китоб маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси

Ватан озодлиги, эл-юрт
тинчлиги ва осойишталигини
ҳимоя қилишдек шарафли ҳамда
масъулиятли ишни амалга
ошираётган, сарҳадларимиз
дахлсизлигини таъминлаётган
ҳарбий хизматчиларни
14 январь —
Ватан Ҳимоячилари куни билан
самимий муборакбод этади.



Ипотека – банк

«Барқарор» юқори рейтинг баҳосини олган
молиявий муассаса

Банк тизими

Қаҳрамон ҚҲЛДОШЕВ

Бугун шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, ҳукуратимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва уни бартараф этиш борасида кенг қўламли тадбирлар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Улар қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. «Сўнги икки йилда, — деди мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов ўтган йилнинг 29 январь куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида, — тижорат банкларининг умумий капитали икки баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низоми жағғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди».

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб қолди. Айтилганда у эндиликда белгиланган қатор нормативлар бўйича ўзининг мустаҳкам позицияларини эгаллаб олди. Фикримизнинг тасдиғини Ипотека-банк фаолияти мисолида ёрқин кўриш мумкин. Масалан, банк акцияларининг 15,3 миллиард сўмлик қўшимча чиқариливи амалга оширилди ва бу акцияларнинг 2,3 миллиард сўми тўла жойлаштирилишига эришилди.

Банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини ошириш учун кўрилган тадбирлар самарасига эътибор беринг: **•** банкнинг 5 миллиард сўмлик узоқ муддатли корпоратив облигациялари, юридик шахслар учун 5 миллиард сўмлик банк депозит сертификатлари, жисмоний шахслар учун 2 миллиард сўмлик омонат сертификатлари муомалага чиқарилди ва тўлиқ жойлаштирилди; **•** аҳоли омонатлари 154,6 миллиард сўм бўлиб, 2010 йил бошига нисбатан 25,5 миллиард сўмга ёки 19,7 фоизга ўсди; **•** амалга оширилган ишлар банкнинг депозит базасини 534,5 миллиард сўмга етишини, 2010 йил

бошига (465,4 миллиард сўм) нисбатан 69 миллиард сўмга ёки 14,8 фоизга ўсишини таъминлади.

Инқирозга қарши дастурга кўра банкда ишлаб чиқарувчилар ва экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ишлари белгиланган қатъий тадбирлар асосида олиб борилди. Хусусан, банкнинг ресурс базасини ошириш — экспортчи корхоналарни янада қўллаб-қувватлаш имконини берди. 2010 йилнинг ўтган даври ичида экспортни рағбатлантириш учун жами 40,5 миллиард сўм ва 10,5 миллион АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилди.

Бу — Ипотека-банк жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашга, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилишга, кооперация алоқаларини кенгайтиришга, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйишга ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалаларига жиддий эътибор бермоқда, деганидир.

РАҚАМЛАР,
ДАЛИЛЛАР:

экспорт билан шугулланувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 2010 йилда 3841,5 миллион АҚШ доллари миқдорида 735 та контракт рўйхатга олинди ва экспорт контрактлари ҳажми 1,7 баробар ошди;

банк миқдоридан валюта тушуми 810,4 миллион АҚШ доллари, яъни, 2009 йилга (445,5 миллион АҚШ доллари) нисбатан 365 миллион АҚШ доллари ёки 1,8 баробар кўп миқдорни ташкил этди; 2011 йил январь ҳолатига банкнинг кредит портфели 571 миллиард сўм бўлиб, йил бошига (433,1 миллиард сўм) нисбатан ўсиш 31,8 фоиз ёки 137,8 миллиард сўм бўлди;

Бунда узоқ муддатли кредитлар 489,4 миллиард сўми ташкил этиб, уларнинг умумий кредит портфелидаги улуши Президентимиз томонидан белгилаб берилган 75 фоиздан ошди, яъни, 87,3 фоизга етди.

Бошқача айтганда, жами 203,3 миллион сўмлик инвестицион характерга эга кредитлар ажратилиб, улар-

нинг шу йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиғи 441 миллиард сўм бўлди. Демакки, бу кўрсаткич ҳам 2010 йил бошига нисбатан 254,2 миллиард сўм ёки 2,3 баробарга ўсди.

Таъкидлаш керак, Ипотека-банк 2010 йил давомида инвестиция лойиҳаларини молиялашга муттасил жиддий эътибор бериб келди. Натижада ўтган йилги кичик бизнес вакилларига банк томонидан 194,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилишига ва иқтисодий тarmoқларида 6865 та янги иш ўринлари яратилишига имкон яратилди. Эслатиб ўтмоқ керак, 2009 йилда ҳам кичик бизнесга 141,1 миллиард сўм кредитлар ажратилганди.

Ипотека-банк ўз фаолияти давомида эришган ва эришаётган ютуқлар буларгина эмас. Тarmoқларни модернизация қилиш дастурлари ижросида ҳам, ички бозорни истеъмол товлари билан тўлдиришни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам, худудларни комплекс ривожлантириш дастурларининг рўйи йўлида ҳам мақтовга эригулик қатор ижобий ишлар олиб бормоқда. Улар, шубҳасиз, бугунги кунда Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг юксалишига бевосита хизмат қилмоқда. Банкда муваффақиятли йўлга қўйилган ёш оилаларга ипотека кредитлари ажратиш жараёнларини оласизми, аҳолига берилаётган салмоқли даражадаги истеъмол кредитларини оласизми, муаммоли кредитларни ундириш бўйича амалга оширилаётган ишларни оласизми — ҳаммаси, пировардида, юртимиз ривожини йўлида қилинаётган эзгуликка йўғрилган саъй-ҳаракатлардир.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида таъкидлаганидек: «Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимини 90 фоиздан ортигини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «Барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди».

Мамнуният билан айтиш жоиз, улар орасида Ипотека-банк ҳам бор. Унинг барқарорлиги «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан 2010 йилнинг 27 сентябрида янгидан тасдиқланди.

Ишончнома қандай расмийлаштирилади?

Адлия соҳасида

Азиза ОМОНОВА,
Тошкент шаҳар, Сергели тумани,
1-сонли ДНИ катта нотариуси.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 134-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан бошқа шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончномани тузатиш ва тасдиқлаш учун ишончли вакилнинг иштироки талаб қилинмайди.

Ишончли вакил ҳақидаги, шунингдек, ишончнома объекти ҳақидаги маълумотлар ишончнома берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ёки унинг сўзларига асосан ёзилиши мумкин.

Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал тасдиқланган шаклда расмийлаштирилади.

Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахс номига ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг (Устави) Низомида кўрсатилган фаолият ва мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

Нотариал шакли талаб қилувчи тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 136-моддаси (нотариал тасдиқланган ишончнома билан тенглаштирилган ишончнома билан бошқа шакллари), 138-моддаси (юридик шахснинг ишончномаси) ҳолатларида назарда тутилган ҳоллар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўрсатилган ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар

бундан мустасно.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилинганга ўз кучини сақлайди.

Ишончнома матнида унинг тузилган (имзоланган) жойи ва куни, ишонч билдирувчи ва вакил қилинаётган шахсларнинг исми, фамилияси ва отасининг исми (юридик шахсларнинг тўла номи ва жойлашган жойи) турадиган жойлари, зарур бўлган ҳолларда эса эгаллаб турган лавозимлари кўрсатилиши керак.

Ишончнома амал қилиш муддати сўз билан ёзилиб, кўпи билан уч йил муддатга бериллади. Агар ишончномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги қарори билан тасдиқланган автомобилотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ

автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ишончнома-ларини нотариал тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва худудий кодга эга бўлган «Давлат белгиси» ДИЧБда тайёрланган гербли махсус бланкаларда амалга оширилади. Бунда битимнинг биринчи нусхаси гербли махсус бланкада расмийлаштирилади.

18 ёшга тўлмаган шахсларга автомобилотранспорт воситалари, 16 ёшга тўлмаган шахсларга эса мототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни расмийлаштиришга йўл қўйилмайди. Ишончнома берилган шахс ўз ваколатидаги ҳаракатларни шахсан амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шартли мажбур қилса, у ҳаракатларни амалга ошириши бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Ваколатларини бошқа берган шахс ишончнома берган шахсга бундан маълум қилиши ҳамда мазкур шахс ва унинг яшаш жойи тўғрисидаги зарур маълумотларни хабар қилиши керак. Мазкур бурчлар бажарилмаса, ўз ваколатларини бошқа берган шахс ундан ваколат олган шахснинг ҳаракатлари учун ўзининг ҳаракатлари каби жавобгар бўлади.

Фуқароларга текинга имтиёзли равишда берилган энгил автомобиллардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончнома республика ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ижтимоий таъминот бошқармаларининг руҳсати билангина гувоҳлантирилади.



ҚАДРЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишдаги илғор ғояларни, пухта бизнес-режали лойиҳаларни қулай шартларда молиявий қўллаб-қувватлашга тайёр!

Агробанкнинг исталган шаҳар ва туман филиалларига мурожаат қилиб бизнесдаги муваффақиятларга эришинг.

Сиз Агробанкнинг марказий аппаратида мавжуд қуйидаги ишонч телефонларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга тааллуқли масалалар бўйича мурожаат қилиш имконига эгасиз.

Кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси — 150-53-58

Банкнинг инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси — 150-85-23

Саноат ва истеъмол бозорини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси — 150-53-93

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси — 150-85-18

**АГРОБАНК — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК
ҒОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!**

Халқаро ҳаёт

Разолат қурбонлари

Шарҳ


Абдуқаном ЙЎЛДОШЕВ

Глобаллашув жараёнлари жаҳон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётига муттасил ўзгаришлар киритаётгани бор гап. Дунёнинг сиёсий манзарасига назар ташласак, ҳақиқатан ҳам халқаро хавфсизликни таъминлаш тизими ноанъанавий янги таҳдидлар ва янгидан-янги муаммолар билан тўқнаш келаётганига гувоҳ бўламиз. Афсуски, глобал миқёсдаги тангликлар ҳақида сўз борганида динлараро, миллатлараро низолар ва тўқнашувларни, информацион-кибер терроризм, ноқонуний қурол ва наркотиклар савдоси, одам савдоси каби таҳдид ва хавфларни тилга олмаслик мумкин эмас. Айниқса, одам савдоси муаммоси жаҳон сиёсий амалиётидаги энг оммабоп мавзулардан бирига айланиб қолганига бугун ҳеч қандай шубҳа қолмади. Чунки қулликнинг замонавий кўриниши кейинги пайтларда сайёрамиз миқёсида мисли кўрилмаган даражада кенг тус олди. Сайёрамиз бўйича маҳсулотлар ва хизматлар айланмасининг 92 фоизини бошқариб турадиган Бутунжаҳон савдо ташкилоти тарқатган хабарларга қараганда, кейинги ўн йилликда жаҳон бўйича савдо ҳажми 6 триллион доллардан ошиб кетгани ҳолда бу миқдорнинг энг камида 10 фоизи трансмиллий жиноятчилик ҳиссасига тўғри келаётганини эътироф этиш жоиз. Гап бу ерда наркотиклар, қурол-яроғ ҳамда одам савдоси хусусида кетмоқда.

Ҳа, инсонлар трафики жинояти ўзининг тобора кенгайиб бораётган кўлами ва ўсиш суръати билан кўпчиликни ҳайратда қолдиришмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисобларига қараганда, бугунги кунда дунё бўйича 13 миллион киши мажбурий меҳнатга жалб этилган. Америкадаги нодавлат ташкилотлари вакиллари эса бу миқдорни 27 миллионга тенг деб баҳолашади. Anti-Slavery ташкилоти экспертлари инсоният янги асрда 200 миллион қул бил-

даланиш, қул сифатида мажбуран сотиб юбориш, фоҳишабозликда фойдаланиш каби шаклларида ҳам учрамоқда. Таъкидлаш жоизки, БМТ Бош ассамблеяси томонидан «Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги конвенция» ва уни тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш бўйича протокол» қатори хорижий давлатларда мажбурий жиноят юзасидан қонунлар қабул қилинишида ҳуқуқий

си халқаро жиноий гуруҳларга йилига 32 миллиард АҚШ доллари атрафида даромад келтираяпти. Тўғри, Бош Ассамблея одам савдосига қарши йўналтирилган бир неча муҳим резолюцияни қабул қилган, аммо Брокман тан олганидек, амалий ҳамкорлик қозониш учун ҳар томонлама ҳамкорлик зарур. Қузатувчиларнинг фикрича, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси паст, оғир моддий аҳволдаги, ишсизлик ҳукми сураётган, аёллар ҳуқуқи кам-



лан яшаётганини айтишмоқда. Албатта, қай бир далил ва рақамлар тўғри эканини айтиш қийин. Аммо XVI асрдан то XX аср бошларигача биргина Африка қитъасидан океанорти мамлакатига 12 млн. дан зиёд «тирик товар» олиб кетилгани ва ҳозирги кўрсаткичларнинг тўрт асрлик рақамлардан ошиб кетаётгани ҳам бу муаммонинг нақадар долзарблигидан далолат беради.

Бундан ташқари, даромади ва меҳнат муҳожирлари сонининг ошиб бораётгани ҳисобига ҳам жиноятнинг бу тури бутун ер кurrasини қамраб олди. Бир сўз билан айтганда, дунё харитасида одамларни ёллаш, трафик қурбонларини транзит қилиш ва етказиш жараёнлари га жалб этилган давлатлар қолмади ҳисоб. БМТ наркотик моддалар ва жиноятчиликка қарши кураш агентлигининг «Одам савдоси: глобал аъналар» деб номланган маърузасида айтилишича, дунёнинг камида 127 мамлакатда қул савдоси билан шуғулланилмоқда.

Одам савдоси инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қул бўлишга маҳкум этади, умрига зомин бўлади, эрки, тақдири ва келажагини оёқости қилади. Ана шундай жиҳатлари билан ҳам у энг оғир ва жirkan жиноятлардан саналади. Бу жиноят кўпинча инсонларни камситиш, улардан эркинликларини поймол этган ҳолда турли мақсадларда фой-

меъёрий пойдевор вазифасини ўтамоқда. БМТ қошида 19 мамлакатнинг одам савдосига қарши кураш йўлида бирлашган норасмий «Дўстлар гуруҳининг» ташкил қилиниши эса жirkan балога қарши кураш жаҳасига ташланган яна бир дадил қадам бўлди. Мазкур ташаббус «қора бизнес»га қарши кураш йўналишида самарали ҳамкорлик ўрнатилишига умид уйғотади, албатта. Одам савдосига қарши курашда БМТ ролини мустаҳкамлаш бўйича амалий чора сифатида Ўзбекистон ҳам аъзо бўлган «Дўстлар гуруҳи» глобал ҳаракат режасини ишлаб чиқишни таклиф қилмоқда. Гуруҳ аъзолари таъкидлаётганларидек, ушбу муаммага қарши курашда фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ва хусусий бизнесни ҳам янада фаолроқ жалб этиш зарур.

Айниқса, иқтисодий бекарорлик, сиёсий бошбошдоқлик ҳукми сураётган мамлакатлар одам савдоси билан боғлиқ муаммолар борган сари чуқурлашмоқда. Боиси — сурункали ишсизлик авж олган давлатлардаги ночор қатлам вакиллари катта маош ва муносиб турмуш шартинини яратиш бериш ҳақидаги ваъдаларга ишониб, қул савдогарлари тўрига илинмоқдалар. Айрим манбаларда жиноятчиларнинг одам савдосидан олаётган даромади 7-9 миллиард АҚШ доллари атрафида баҳоланса, БМТ Бош Ассамблеяси 63-сессияси раиси Мигель д'Эското Брокманнинг эътироф этишича, одам савдо-

ситилган мамлакатлар ҳаммадан кўра кўпроқ аср муаммосига дучор бўлаётганлар. Аммо биргина АҚШда 50 мингдан зиёд хотин-қизнинг қулликка сотилиши муаммо ечими бир ёки бир неча давлат ихтиёрида эмаслигини ҳам тасдиқламоқда. Муаммо хатарли тус олаётгани боис президент Барак Обама 2010 йилнинг январини Қуллик ва одам савдосига қарши кураш оқи, деб эълон қилишга мажбур бўлди. Ушбу ойлук охир-оқибатда ҳар йили 1 феврални Қўшма Штатларда Миллий озодлик кунини сифатида нишонлаш борасидаги қарорни қабул қилиш билан яқун топди.

Қул савдогарларининг тўрига илинаётган балогад ёшига етмаган қизлар кўпроқ Исроил, Туркия, Италия, Япония, Германия ва Греция давлатларига «экспорт» қилинапти. Ҳар йили 1 миллиондан ортиқ балогад ёшига етмаган қизлар сотилиб, жirkan ишлар билан шуғулланиш ҳамда турли фильмларнинг очик сахналарида суратга тушишга мажбурланмоқдалар. Бу ҳам етмаганидек, улар уруш бўлаётган ёки тинчликпарвар қулар жўнатилган ҳудудларга аскарлар кўнглини хушлашга жўрилатилипти. Бир пайтлар дунёнинг қайноқ нуқтаси ҳисобланган Болкон минтақаси бугунга келиб одам савдосининг марказларидан бирига айланган бунга мисол бўла олади.

Ушбу қабих жиноят инсониятнинг келажаги бўлмиш болаларни ҳам ўз домига тартаётгани эса энг дахшатли ҳодиса, десак, муболага қилмаган бўла-

миз. Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра шу вақтгача 5,7 млн. бола ўғирланган бўлиб, улардан 1,2 млн. нафари қурбон бўлган, қолганлари эса оғир меҳнат қилишга мажбурланган. Асосан кичик ёшдаги норасидаларнинг соғлом тана қисмлари пуланса, қўлида қурол ушлай оладиган 300 мингга яқин гўдак минтақаларда қайноқ нуқталарда аскар сифатида жанг қилишга мажбур бўлмоқда. Киши ақлига сиғдира олмаган оғир юмушлар ҳам ана шу қулар томонидан бажарилмоқда. Кўмир қонларида, машина эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш корхоналарида, соғлиқ учун зарарли барча юмушларда улар меҳнати энг арзон меҳнат сифатида баҳоланапти. Ҳатто ана шундай эрки занжирбанд қуларни қотилликка ҳам ундаб, шу йўл орқали мўмай даромад кўрмоқдалар.

Европа ва Австралия сув остида

Жаҳоннинг турли минтақалари кучли сув тошқинлари остида қолмади. Айниқса, Германиянинг шимоли-ғарбий қисмидаги кўплаб шаҳарларидаги ахвол ўта абгор.

Кельн ва Дюссельдорфда қатор мавзелар сув остида қолган. Айтиш керакки, офатдан қўшни Чехия, Бельгия ва Голландия ҳам жабр кўрмай қолмади. Австралиядаги сув тошқинларини эса сўнгги 50 йил мобайнидаги энг кучлиси дейилмоқда. Сув оқимининг бир миллионли Брисбен шаҳрига етиб келиши, минглаб одамларнинг эвакуация қилиниши, 90 нафар кишининг бедарак кетгани муаммо кўламининг нақадар кенг эканидан далолат беради.

Брисбен шаҳри маъмуриятининг фикрича, сув тошқини 20 мингга яқин уйларга зиён етказиши мумкин. Мамлакат бош вазири Жулия Гиллард ватандошларини «қоронгу қулар»га тайёр туришга чакирди. Маълумотларга кўра, табиий офатнинг иқтисодийга етказган зарари 6 миллиард АҚШ долларига тенг деб баҳоланмоқда.



Целлофан пакетдан фойдаланиш тақиқланди

Италияда янги йилдан бошлаб целлофан пакетларнинг ишлатилишига тақиқ қўйилди. Шу боис дўконларда хариддорларга маҳсулотни целлофан халта ва сумкаларда бериш ман этилди. Бундан буюғига харид қилинган маҳсулотларни газомол ва қоғоздан тайёрланган халталарга солиб бериш урфга айланадиган бўлди.

Мазкур чора тарафдорлари расмийларнинг целлофан халталарни тақиқлаш борасидаги ташаббусини мамнулик билан қабул қилдилар. Экологлар фикрича, пластик халталарни ишлаб чиқариш жуда кўп миқдорда нефть талаб қилгани боис уни парчалашга ўн йиллар вақт талаб қилинишидан ташқари атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Целлофан халталарни Италия бозоридан босқичма-босқич сиқиб чиқариш борасидаги

қонун 2006 йил қабул қилинган, тақиқ 2010 йилнинг январидан қўлга кириши белгиланганига қарамай, савдо ташкилотларининг кучли босими туфайли мuddат узайтирилган. Британияда эса 2008 йили ўша пайтдаги бош вазир Гордон Браун мамлакат супермаркетлари эгаларини пластик пакетлардан фойдаланишни чеклаш зарурлиги ҳақида огоҳлантиргани айтилади.



Сиёсий қотилликлар такрорланмоқда

Жорий йилнинг 8 январь кунини АҚШ Вакиллар палатаси вакили Габриэл Гиффордс ҳаётига қилинган суиқасд кўпчилик америкаликларни ҳам хайрат, ҳам изтиробга солди. Зеро, бу мамлакат тарихида кейинги 30 йил ичида халқ ноибига қарши узилган биринчи ўқ бўлди.



Шанба кунги тонгни 40 ёшли Габриэл Гиффордс қонун чиқарувчи учун анчайин ноодатий жой — Аризона штатининг жануби-ғарбидидаги Тусон шаҳарчасининг супермаркети олдида қаршилади.

Гиффордс, «Конгресс сизнинг бурчагингизда!» деб номланган демократик ташаббус доирасида бозор-ўчар қилиш учун супермаркетга келган оддий аризонликлар билан суҳбатлашиб, улар саволларига жавоб бериб турган чоғда қуролли шахс яқин масофадан турли унинг бошини нишонга олади. Айтиш керакки, шундан бери сунийий қоманда қолаётган Конгресс вакиллари ўзига келган тақдир ҳам аҳоли қандай бўлиши мавқумлигича қолмоқда.

Шанба кунги ҳужум оқибатида воқеа жойида бўлган олти нафар одам, хусусан, 9 яшар бола ҳам нобуд бўлди.

Жиноят жойида қўлга олинган қотил устидан айна пайтда суд ҳараёни бошланган. Таъкидлаш керакки, АҚШ тарихида бундай фожиалар анча камб ҳодиса ҳисобланиб, мамлакатда Конгресс вакилига сўнгги ўқ узилганидан бери 30 йил ўтди. Бундан аввалги сиёсий суиқасд 1978 йил Конгресснинг Калифорния штатидан сайланган демократлар вакили Лео Риян-улар қарши Жанубий Американинг Гайана давлати чангалзорларида амалга оширилган эди. Конгрессмен Риян ва унинг ёрданчилари асли Сан-Францискодан бўлган «Халқ черколасининг ўзига келган тақдир ҳам аҳоли қандай бўлиши мавқумлигича қолмоқда.

Кексаларга ғамхўрлик қонунийлаштирилди

Хитой ҳукумати кексаиб қолган ота-оналарига ғамхўрликни фарзандлар учун мажбурий вазифа этиб тайинловчи қонун лойиҳасини кўриб чиқмоқда.



Лойиҳада айтилишича, ота-оналар ўз фарзандларидан руҳий ва жисмоний қўлловни ҳатто суд орқали ундириш ҳуқуқига ҳам эга бўладилар. Айни пайтда кексалар ва ота-онага ҳурмат, ғамхўрлик асрлар мобайнида Хитой аъналарининг таркибий қисми бўлиб келаётганини ҳам унутмаслик керак. Лекин глобал жараёнлар оилавий қадриятларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Қолаверса, ишга лаёқатли

тирмага дуч келади, оқибатда конгрессмен ва унинг шериклари ўлдирилади.

Кўп ўтмай, Риянга суиқасд уюштирган секта аъзоларининг 900 нафардан ошиқ вакили оммавий тарзда ўзи жонига қасд қилади ва бу дахшат тарихга «Жоустоун киргини» деган ном билан кирди.

Лео Рияндан олдин ўлдирилган конгрессмен ҳам демократлар вакили — 1963 йилги суиқасд қурбони бўлган президент Жон Кеннедининг ўқиси Роберт Кеннеди эди.

1968 йили президентликка Демократик партиядан номзод макомини олиш учун Калифорнияда сайловчилар билан учрашган сенатор Кеннедининг унинг Яқин Шарққа оид ёндоқшувидан норози бўлган асли фаластинлик Сирхан отиб ўлдирди.

Роберт Кеннеди ўлимидан 30 йил аввалроқ ўлдирилган сенатор Лонг ҳам президентликка даъвогар эди. Конгресснинг бу аъзосини ўз ашадий сиёсий рақибининг жиғини отиб ўлдирди.

АҚШ тарихида суиқасдга учраган президентлар сони Конгресс аъзолариникидан кам эмас. 1963 йили силри снайпер ўқидан жон таслим қилган Жон Кеннедидан ташқари, 1865 йили Абрахам Линкольн, 1881 йили Жеймс Гарфилд ва 1901 йили Уильям Маккинлейлар ҳам қотил ўқидан халок бўлишган.

Суиқасдга учраб, омон қолган АҚШ президентлари орасида Гарри Трумэн, Жералд Форд ва Роналд Рейган номлари зикр этилади.

ёшларнинг узоқ ўлкаларга кетиб меҳнат қилаётгани факрийларнинг айрим ҳолларда қаровсиз қолаётганига сабаб бўлаётти. Кексалар сони эса охириги йилларда анча кўпайди. Бу ўз навбатида турли иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши бор гап.

Статистика маълумотларга кўра, Хитой аҳолисининг саккиздан бир қисми, яъни 167 миллион киши ёши 60 дан ошганлардир. Яна бир миллион кишининг ёши 80 дан ошган. Бу кексаларнинг яримдан кўли ёлғиз яшайди. Натияжада бир томондан қариялар ўзи сони ошиб бораётган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг ўлимидан фарзандлари ёки қўшилари бир неча кун ўтиха қабар топишлари ҳоллари учрамоқда.

Интернет хабарлари асосида Акбар ҲАСАНОВ тайёрлади.

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Таъхир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МУМИНОВ, Жовнатхон ИНОГҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Маъмур ХУЖАМБЕРДИЕВ, Муҳаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қолир ЖУРАЕВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таъхират маъноси: 100000, *Ташкент шаҳри, Мамтулчилик кўчаси, 32-уй.*

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР ҚЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217

«Адолат»дан кўчириб босиш факат таъхират рухсати билан амалга оширилади.
t — Тикорат мақола белгиси.

«Шарҳ» НМАК босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Ташкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 100. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-2. Адади — 7463. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топшириш вақти — 22.00 1 2 3 4 5

adolat_gazeta@mail.ru

Довон забт этиладими?

Футбол

Ғулом ХИДИРОВ

Қатарнинг «Ал-Фарафа» стадионида бўлиб ўтган ҳар икки томон учун муҳим бўлган учрашувда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Кувайтга 2:1 ҳисобда мағлуб этиб, кейинги босқичга чиқиш имкониятини яхшилаб олди.



Учрашувнинг 40-дақиқасида «легионер»имиз Максим Шацких томонидан рақиб дарвозасини аниқ нишонга олган жарима тўпи юртдошларимизни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Таъкидлаш керакки, ўйиннинг биринчи қисми Ўзбекистон миллий терма жамоасининг устунлиги остида кечди.

Кувайтлик футболчилар қаршилик кўрсатишга уринишсанда, футболчиларимиз кетма-кет ҳужумлари билан уларни шошириб қўйишди. Майдонда тўпга эгалик ҳам асосан Ўзбекистон миллий терма жамоаси томонида бўлди.

Аммо ўйиннинг мурасасиз кечган иккинчи қисмида миллий терма жамоамиз дарвозасига белгиланган 11 метрлик жарима тўпи ўйиндаги ҳисобни тенглаштирди.

Иккинчи бўлим ўрталаридагина жамоа сардори Сервер Жепаров томонидан урилган иккинчи тўп учрашув тақдирини ҳал қилди. Кувайт миллий терма жамоаси ҳам ҳужумкор ўйин кўрсатса-да, вакилларимизга бас келолмади.

Бу — «ўлим гуруҳи»да бўлиб ўтаётган саралаш босқич учра-

шувларининг иккинчиси эди. Ушбу учрашувда галаба қозониш ҳар икки миллий терма жамоа учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи эди, десак янглишмаган бўламиз. Ушбу ўйинда миллий терма жамоамиз галаба қозонса, муддатидан илгари нимчорак босқич беллашувларига йўлланмани қўлга киритишига шубҳа қолмасди.

Кувайт миллий терма жамоаси эса ўз минтақасида эришган юксак ютуқларига қарамай, 2007 йилда ҳам гуруҳ босқич учрашувлариданоқ пастга шўнғишди.

Шу сабабли, Ўзбекистонга қарши ўйинда галаба қозониб, уч очкони қўлга киритиш улар учун гуруҳда қолишнинг энг сўнгги имконияти эди. Юртдошларимиз эса бундан аввал ҳам кетма-кет икки бор Осиё Кубоги ўйинларининг нимчорак финалигача чиқишга муваффақ бўлишган.

«А» гуруҳида тўп сураётган барча миллий терма жамоаларнинг имкониятлари деярли бир хил баҳоланаётганлиги туфайли у «ўлим гуруҳи» деб ном олди. Гуруҳда Ўзбекистон ва Кувайтдан ташқари яна Осиё-

даги энг кучли жамоаларидан саналган Хитой ва мезбон Қатар миллий терма жамоалари тўп суришади.



Саралаш беллашувларининг биринчи босқичида мамлакатимиз ва Хитой миллий терма жамоаларининг қўли баланд келган. Ўзбекистонлик футболчилар қатарлик, хитойликлар эса кувайтлик рақибларини бир хил — 2:0 ҳисоби билан мағлуб этишганди. Аммо шу ўринда Ўзбекистон ва Кувайт миллий терма жамоалари Осиё кубоги ўйинлари доирасида шу пайт-

гача бир-бирларига қарши майдонга тушишмаганини эслашиб ўтиш жоиз.

Миллий терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов бу гал энг камида чорак финалгача чиқиш аҳдида қатъий эканлигини, бироқ футболчиларимиз Осиё Кубоги-2011 ўйинлари чемпиони бўлиши ҳам мумкинлигини яширмаяпти.

«Ўлим гуруҳи»да ҳозирча 6 очко билан Ўзбекистон миллий терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда.

Хитой ва Қатар миллий терма жамоалари ўйинида эса мезбонларнинг қўли баланд келди. Шундай қилиб нафақат Қатар, балки Кувайт ва Хитой терма жамоалари ҳам навбатдаги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолди. Демак, кейинги босқичга чиқиш учун иккинчи йўлланмага охириг турда аниқлик киритиладиган бўлди.

«Ўлим гуруҳи»да саралаш босқич беллашувларининг энг сўнггиси 16 январда бўлиб ўтади. Унда юртдошларимиз гуруҳдаги яна бир кучли рақибимиз хитойлик футболчиларга қарши майдонга тушишади.

Германиянинг уяли алоқа компаниялари телефон ёрдамида тўловларни амалга ошириш бўйича янги хизмат турини тақлиф этишга тайёрларлик кўрмоқдалар. Уяли телефон аппарати пластик карталарнинг муқобили, кейинчалик уларнинг рақобатчисига айланади.

Электрон
мобиль
тўлов

Тараққиёт

Азиза ПРИМОВА,
талаба

2011 йил ўртасида Vodafone ва O2 уяли алоқа компаниялари абонентлари ўзларининг дўкон ва ресторанлардаги харидлари ҳамда метрода йўл ҳақи учун тўловларни уяли телефон орқали амалга оширишлари мумкин. Бунда юқори частотали симсиз кичик хизмат радиусидаги NFC (near field communication) технологияси қўлланилади. Уяли телефон ушбу хизмат турларини амалга ошириши учун унга симкартага ўхшаш бўлган махсус чип ўрнатилади. Ушбу чип абонентнинг банкдаги ҳисоб рақамига уланган бўлади. Касса терминалидан ўн сантиметр узоқликда бўлган бундай уяли телефон ҳисоб рақамини текширгандан сўнг, ундан керакли микдордаги пулни ечиб олади. Ушбу жаравнда фақат сотувчи ва мижознинг банки иштирок этади, уяли алоқа оператори эса фақатгина воситачи сифатида иштирок этади. Ишлатиладиган технология аслида янгилик эмас, у Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларида бир неча йилдан буюн синовдан ўтказилиб, интернет тизимида ҳам кенг тарқалган. Мобиль тўлов хизматининг йўлга қўйилиши электрон олди-сотди хизматига наф келтириши айтилмоқда.

Метрога кириш ва савдо шохбачалари кассалари ёнидаги кутувчилар аста-секин ўтмишда қолиши, хизматни тақлиф этаётганлар қўшимча даромад олишлари аниқ.

Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмасининг
«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ
ЖУРНАЛИСТИ — 2010»
танловига марҳамат!

Хурматли ҳамкасблар!

Ҳаётимиз китобидан яна бир саҳифа орта қолди. 2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди. Юртимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатни янгилаш, иқтисодий ва модернизация қилиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ёшларни жисмонан ва маънан соғлом, давр талабига мос интеллектуал билим ва касбга эга замонавий инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган салмоқли ва хайрли ишлар қилинди.

Халқимизнинг эришаётган бу ютуқлари, олижаноб мақсад ва саъй-ҳаракатларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига қатнашишга тақлиф этади. Танловга 2010 йилнинг 1

Материаллар «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар

Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
e-mail: ijod@sarkor.uz



июнидан 2011 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар қабул қилинади.

Материаллар танловга тахририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан биргаликда муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

«Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига бағишлаб 27 июнда ўтказилган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

«Шўртангазкимё» мажмуаси
жамоаси

14 январь —
Ватан ҳимоячилари кўни
муносабати билан
Юртимиз тинчлиги,
сарҳадларимиз
дахлсизлиги йўлида
Қуролли Кучларимиз
сафида хизмат қилаётган
барча юртдошларимизни
самимий қутлайди.

Ўз ҳаётини
она Ватанни ҳимоя
қилишдек шарафли
ишга бағишлаган
ниятни улуг
ўғлонларга
байрамингиз
қутлуғ бўлсин
деймиз!

